Академияда навбатдаги диссертация иши ҳимояси бўлиб ўтди

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси ҳузуридаги DSc.24/2026.31.01.Yu.01.02 рақамли илмий даражалар берувчи Илмий кенгашнинг 2026 йил 12 ноябрдаги мажлисида **Мусаев Гайрат Фархадовичнинг** “12.00.09 – Жиноят процесси. Криминалистика, тезкор-қидирув ҳуқуқи ва суд экспертизаси” ихтисослиги бўйича юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун **“Интернет тармоғининг яширин сегменти (Darknet)дан фойдаланиб содир этилган жиноятларни тергов қилиш методикасини такомиллаштириш”** мавзусидаги диссертация иши ҳимояси ўтказилди.

Тадқиқотнинг мақсади Интернет тармоғининг яширин сегменти (Darknet)дан фойдаланган ҳолда содир этилган жиноятларни тергов қилиш методикасини такомиллаштиришга қаратилган илмий асосланган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти Интернет тармоғининг яширин сегменти (Darknet)дан фойдаланиб содир этилган жиноятларни тергов қилиш методикасини такомиллаштириш жараёнида юзага келадиган ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар мажмуи ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предметини Darknet тармоғидаги жиноятларни тергов қилиш методикаси ва тергов ҳаракатларини ўтказиш тактикасига оид муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ушбу тоифадаги жиноятларга қарши курашишнинг замонавий тенденциялари, ихтисослаштирилган техник воситалардан фойдаланиш амалиёти, шунингдек рақамли криминалистика ва юридик фанда шаклланган концептуал ёндашувлар ҳамда илмий-назарий қарашлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Рақамли криминалистика илмий-тадқиқот институтини ташкил этиш Интернет тармоғининг яширин сегментида содир этиладиган жиноятларни аниқлаш, рақамли далилларни тўплаш ва уларни процессуал расмийлаштиришнинг илмий-методологик асосларини такомиллаштиришга хизмат қилиши асосланган;

давлат сирлари билан боғлиқ бўлмаган маълумотлар, фотосуратлар, видео- ва аудиоёзувлар, электрон ҳамёнлар, криптоактивлар манзиллари, IP-манзиллар, интернет-манзиллар (доменлар), ижтимоий тармоқлардаги ҳисоб қайдлари (аккаунтлар) ҳамда улар аниқланган жой ва вақт тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек рақамли далилларнинг бошқа муҳим белгиларини қамраб олувчи “Рақамли далиллар ягона реестри” идоралараро автоматлаштирилган тизими ташкил этилиши ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан келиб тушадиган мазкур тоифадаги жиноят ишлари бўйича материалларни тўплаш, ҳисобга олиш, сақлаш ва тадқиқ

этишга, жиноятларни очишга, тергов самарадорлигини оширишга ҳамда уюшган жиноий гуруҳларни тезкор аниқлашга хизмат қилиши асослаб берилган;

олиб қўйиш ва кўздан кечириш тергов ҳаракатларини ўтказишда махсус билимга эга шахс (мутахассис) иштирокисиз аниқланган ҳамда қайд этилган электрон маълумотлар мақбул бўлмаган далиллар деб топилиши лозимлиги ҳамда ушбу қоидани жиноят-процессуал қонунчилигида мустаҳкамлаш зарурлиги илмий асослаб берилган;

иш учун аҳамиятга молик ҳолатлар тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олган электрон маълумотлар, шу жумладан электрон шаклдаги файллар, аудио- ва видеоёзувлар, Интернет жаҳон ахборот тармоғида сақланаётган хабарлар, шунингдек бошқа электрон рақамли маълумотлар мустақил рақамли далиллар ҳисобланиши ҳамда ушбу қоидани Ўзбекистон Республикасининг жиноят-процессуал қонунчилигида мустаҳкамлаш зарурлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Рақамли криминалистика илмий-тадқиқот институтида рақамли далиллар бўйича суд экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом лойиҳаси ишлаб чиқилган бўлиб, унда экспертиза тайинлаш ва ўтказиш, тадқиқот объектларини тақдим этиш, экспертиза ўтказиш муддатларини узайтириш, эксперт хулосасини расмийлаштириш ҳамда тадқиқ этилган объектларни қайтариш тартиби тўлиқ қамраб олинган;

«Электрон (рақамли) далиллар ягона реестри» тўғрисидаги низомни тасдиқлашга қаратилган идоралараро қўшма қарор лойиҳаси ишлаб чиқилган;

кибержиноятчиликка, шу жумладан Darknet тармоғидан фойдаланиб содир этиладиган жиноятларга қарши курашиш соҳаси учун кадрлар тайёрлаш мақсадида магистратуранинг «Киберхавфсизликни ҳуқуқий таъминлаш» йўналиши учун махсус ўқув курси (модули) ишлаб чиқилган ва ўқув жараёнига жорий этилган;

Darknet тармоғидан олинадиган катта ҳажмдаги маълумотларни (Big Data) суд-экспертиза тадқиқотидан ўтказиш ва таҳлил қилиш методикаси ишлаб чиқилган;

«Криптоактивлар айланмаси соҳасидаги жиноятларни тергов қилишнинг ўзига хос хусусиятлари» мавзуида ўқув-услубий қўлланма тайёрланган ҳамда таълим тизими ва илмий тадқиқот фаолиятига жорий этилган.